БОШЛАНҒИЧ СИНФДА МУМТОЗ АДИБЛАР ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ ЮЗАСИДАН МУЛОҲАЗАЛАР

В.ҚОДИРОВ

В статье рассмотрены методические проблемы изучения произведений классической литературы в начальных классах, разработаны методические рекомендации по данному вопросу.

The article deals with methodical problems of the study of works of classical literature in primary classes as well as methodical recommendations on this question are given.

Мумтоз адабиёт дейилганда баъзан ўтмишда яратилган бадиий асарларни тушунадилар. Аслида “мумтоз” арабча сўз бўлиб, бизнинг тилда танланган, сараланган маъноларига тўғри келади. Демак, бу тушунча билан сифатланган адабиётга аждодларимиз томонидан яратилган барча асарлар эмас, балки улар ичидан сараланган энг олий инсоний қадриятларга, юксак бадииятга йўғрилган, асрлар оша инсонлар қалбини, шуурини забт этиб келаётган адабий битиклар киради. Шунингдек, ўтмишдаги адибларнинг деярли барчаси асарларида ёритилаётган фикр, илгари сурилаётган ғояни Ислом динининг муқаддас манбалари бўлмиш Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларидан келиб чиқиб асослаганлар. Мутахассислар мумтоз намуналарни мазкур диний манбалардан айру ҳолда тушуниш, тушунтириш мумкин эмаслигини эътироф этадилар. Шунинг учун ҳам ҳадислар мактаб адабий таълимида мумтоз адабиёт намуналари сирасида қайд этилади.

Таълимнинг барча босқичларида мумтоз адабиёт билан таништирилади. Мактабгача таълим муассасалари ҳам бундан мустасно эмас. Жажжи тарбияланувчиларга адиблар суратлари орқали таништирилади, байрам ва тадбирларда унча мураккаб бўлмаган шеърлари ёд олдирилади. Мумтоз адабиётни мақсадли ўрганиш бошланғич синфлардан бошланади. Бу синфларда ўқувчилар суратлар, маърифий матнлар орқали адиблар шахсияти, уларнинг ижоди, ибратли фикрлари билан илк бор танишадилар. Мазкур босқичда мумтоз адабиётни қуйидаги шаклларда ўрганишни ташкил этиш мумкин:

1. Адабиётимиз тарихида ўтган энг машҳур сиймолар – Навоий, Бобур, Огаҳий, Увайсий, Нодира, Муқимий каби адиблар суратлар орқали таништирилади. Бу ҳам ўзига хос маърифий аҳамиятга эга. Чунки суратлар шунчаки кўриниш, тасвиргина бўлиб қолмай, айни пайтда улкан истеъдод, ижод тимсоллари ҳамдир. Бу суратлар орқали уйғотилган меҳр, ҳурмат болаларда уларнинг ижодига, улар орқали умуман олис аждодлар меросига эҳтиром туйғусини тарбиялайди. Адиб сиймоси сурат орқали таништирилганда унинг асл исми, тахаллуси, туғилган жойи ва таваллуд санасини ҳамда энг машҳур асарларидан бир-иккитасининг номини айтиб, ёздириб қўйиш мумкин. Агар мазкур маълумотлар олдинги синфларда ёки дарсларда айтилган бўлса, буни ўқувчиларнинг ўзидан сўраш ўринли бўлади.

2. “Ўқиш китоби”да берилган мумтоз сиймолар ҳақидаги ривоятлар, ҳикоялар, қиссадан парчаларни ўқиш, ўрганиш орқали уларнинг ҳаёти, ижоди, маънавий олами билан таниша борадилар. Масалан, амалдаги 3-синф дарслигида мумтоз адиблар билан боғлиқ тўққизта матн берилган бўлиб, улар Алишер Навоий, Бобур ва Ибн Сино ҳақидадир. Шу билан бирга, икки ўринда ҳадислардан намуналар ҳам берилган. 4-синф дарслигида ҳам яна шу сиймолар ва Паҳлавон Маҳмуд тўғрисида ривоят бор ҳамда ҳадис намуналари ўқиш учун киритилган. Ўқитувчи дарсда бу матнлар билан ишлар экан, уларнинг мазмунини қайта сўзлатиш билангина чекланиб қолмаслиги керак. Бош қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати, гап-сўзлари, у ёки бу ҳаётий лавҳалардаги ўзини тутиши, ҳолати, кечинмаларига ўқувчиларнинг диққатини қаратиш мутолаанинг энг муҳим шартларидан биридир. Ўқитувчи бу вазифани тўғри адо этиш учун ўқувчиларга йўналтирувчи савол, топшириқлар бериб бориши мақсадга мувофиқ бўлади. Матндаги маълум лавҳа, тасвир ёки диалог ўқилгач, “Қаҳрамоннинг бу ҳолатини қандай баҳолайсиз?”, “Шу ўринда у тўғри йўл тутдими?”, “Сиз кўрган ҳаракатлари орқали унинг қайси фазилатлари намоён бўлмоқда?”, “Унинг шу топда кўнглидан нималар кечаётганини аниқлашга уринг” каби савол ва топшириқларни бериш мумкин. Шунда тарбияланувчиларнинг сюжетни сўзлаш билан нутқи ривожланса, саволларга жавоб бериш билан фикрлаш қобилияти кенгаяди, тафаккури ўсади, матнга ижодий ёндашиш малака ва кўникмалари шакллана бошлайди.

3. Мумтоз адиблар ижодидан олинган парчаларнинг ҳозирги тилга тадбил қилинган намуналари ўқитилади. Масалан, 3-синфда Навоийнинг бир нечта ҳикматли байтлари (уларнинг иккитаси тад-

бил қилинмай, асл ҳолида берилган) ҳамда 4-синфда Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Ҳусайн Кошифий асарлари ўрганилади. Кўринадики, мумтоз адабиёт намуналари (яъни асарлардан парчалар, намуналар) бошланғич синфда жуда оз. Шунинг учун уларни ўрганишда янада эътиборлироқ бўлиш талаб этилади. Негаки, бошланғич синфни тугатиб, 5-синфга ўтгач, ўқувчилар бирданига Адабиёт дарсларида мумтоз адибларнинг тўлиқ берилган шеърлари, асарларидан олинган анчагина катта парчаларни ўрганишлари, таҳлил қилишлари керак бўлади. Бу борада дастлабки кўникмаларни шакллантириш бошланғич синф ўқитувчиси зиммасига тушади. Шу мақсадда у шогирдларига "Ўқиш китоб"ларида берилган мазкур намуналарни мисрама-мисра таҳлил қилиш, матндаги маънони уқиш, унга муносабат билдиришни ўргатиши лозим. Ҳозирги тилга тадбил қилинган, айни пайтда унча катта бўлмаган шеърларни ўқувчилар осон ёд оладилар. Ёддан ўқиб берганларидан сўнг, "Шу ўқиб берганларингдан нимани тушундинг?", "Шоир бу шеъри орқали бизга нималарни насиҳат қилмоқда", "Ўзингга ундан қандай хулоса чиқардинг?" қабилидаги саволлар берилиши мумкин.

4. Дарсликдаги ривоят, ҳикоялар, адиблар ижод намуналарини саҳнали кўриниш билан ҳам ўрганиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи унча мураккаб бўлмаган, матндан узоқлашмаган ҳолда сценарий ёзиб, ўқувчиларга ролларни бўлиб бериши керак. Шунингдек, дарсликка киритилмаган мумтоз намуналардан ҳам ўқитувчи фойдаланиши мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонидан "Шер ва Дуррож", Гулханийнинг "Зарбулмасал"идан "Тошбақа ва Чаён" масалларини, Ҳувайдонинг "Роҳати дил" достонидан "Уч очкўз ака-ука фожеаси" ("Баёни ғаддорийи дунё") каби асарларни танлаши мумкин. Улар болалар учун қизиқарли бўлиши билан бирга сюжети кичик, сценарий ёзишга қулай ва ғоят ибратлидир. Саҳнада қўйилгач, албатта болалар билан унинг мазмуни, келиб чиқадиган хулоса юзасидан кичик суҳбат ўтказилиши керак.

5. Таваллуд санаси нишонилаётган адибларга бағишлаб ўтказилаётган мактаб миқёсидаги тадбирларда иштирок этиш ёки синфнинг ўзида кеча ўтказиш. Агар синфда алоҳида ўтказилса, олдиндан тадбирнинг аниқ режаси тузилиши керак. Ўқитувчи имкон қадар адиб асарларининг тадбилини эмас, асл матнни ўқувчиларга ёдлатиши, у ҳақида мухтасар маълумот берувчи матн тайёрлаши лозим. Матндаги маълумотларн уқитувчининг ўзи ёки ҳолатдан келиб чиқиб бир худ бир неча ўқувчи баён этиши мумкин.

Жорий "Ўқиш китоб"ларини кўздан кечириб, шундай мулоҳаза пайдо бўлди: дарсликларда саноқли (беш-олтита) мумтоз адабиёт намояндалари ҳақида ҳикоя, ривоят ва асарларидан намуналар берилган. Назаримизда, бу қамровни кенгайтириш лозим. Бошланғич синфда Аҳмад Яссавий, Носир Хисрав, Хожа, Огаҳий, Мунис, Увайсий, Нодира, Анбар Отин каби ижодкорлар ҳақидаги ҳикоя, ривоят, шунингдек, уларнинг асарларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу, бир томондан, дарслик материалларининг ранг-баранг бўлишини таъминласа, иккинчи томондан, болаларни мумтоз адибларнинг кенгроқ аудиторияси билан таништириш имкониятини яратади.

Бошланғич синфларда тил хусусиятлари бир мунча содда, болалар учун тушуниш қийин бўлмаган оргинал (яъни тадбил қилинмаган) мумтоз матнларни ёки шу талабга жавоб берадиган таржималарни машғулотларда ўрганиш учун жалб қилиш тарбияланувчилар бидиий-эстетик дидини ўстиради, шунингдек, ўрта синфларда шакллантириладиган бадиий таҳлил кўникма ва малакалари учун хамиртуруш вазифасини ўтайди. Бунинг учун эса қуйидаги матнлардан фойдаланишни тавсия этамиз.

Обод ва таьлим-тарбия мавзусида

Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинглар,
одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин.
(Ҳадис)

Одамларга таом едиринглар ва ширинсўз бўлинглар.
(Ҳадис)

Одоб аҳли билан ҳамсуҳбат бўлиш – гуллар ҳидини уфураётган тонг насимидан ҳам ширин.
("Оталар сўзи")

Улғаюрсан, санда бор бўлса адаб,
Улғаюрсан, санга ёр ўлса адаб.
Одам эрсанг, ташқи сурата берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб.
(Анбар Отин)

Одоб ўз эгасин бир кун етказар
Иззату обрўга ва саодатга.
Одобнинг боғидан терса ҳар ким гул
Ҳаёти тўлади хуш тароватга.
(Юсуф Хос Ҳожиб)

Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,
Ким улфатдур боши узра юз минг кулфат.
(Аҳмад Яссавий)

Бошни фидо қил ато бошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунунгга айлагали нур фош
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.
(Алишер Навоий)

Илм, касб-ҳунар ва яхши фазилатлар мавзусида

Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарз.
(Ҳадис)

Ер юзи бир дашту саҳро бўлса, гулзори илм,
Саҳнаи оламни бўлмоқда намудори илм.
Илму фан бирла қуролланмоқда сардори илм,
Илм ўқи ҳеч бир жонга еткурмайди озор илм.
(Оразий)

Олимлар суҳбатида бўл, пок, соф ниятли кишиларга талпин.
(“Амир Темур ўгитлари”)

Ҳар кишида илму санъат бордур,
Бахту давлат ул кишига ёрдур.
(Камий)

Билим қидиришга урдим бошимни,
Бекорга ўтказмадим умримни бир дам.
Қайдаки эшитсам илму донишни,
Эшигин тагида ўтирдим маҳкам.
(Носир Хисрав)

Одамидур илму дониш била одам саналур,
Жумлаи ҳайвонда ҳам оёқ ва қўл, юзу лаб бордур.
(Огаҳий)

Бу замонда ҳамдами роз ўлмага ўқуш керак,
Ҳар китобни ўқуғонда маънисини уқуш керак.
Андин ўрганиб адаб илмин ғазал тўқиш керак,
Норасоликнинг жаҳонда томирини қирқиш керак,
Илмсиз афсунчиларга тири паррондур китоб.
(Дилшоди Барно)

Тил одоби ҳақида

Беҳуда сўзларни сўз деб бўлмайди,
Сўз улки, эшитган олсин бир фойда.
Сўзласанг, сўзингни кўп узоқ қилма,
Малоллик етади узайган жойда!
Кам гапир, оз егину, кам ухла.
(Мотурудий)

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,
Ватан эрур сенга иккинчи она.
Сўзламасдин олдин сўзингни сина,
Ҳар бир сўздир умринг ичинда сина.
(Анбар Отин)

Ғайри тилни саъй қилинг билғали ёшлар
Ким илму ҳунарлар ривожи андин аёндир.
Лозим сиза билув ҳар тилни она тилдек,
Билмакка они ғайрат этинг, фойдаси кондур.
(Аваз Ўтар)

Ким синса кўнгул захми забон оғриғидин,
Кам эрмас анинг оғриғи жон оғриғидин.
(Алишер Навоий)

Жаҳонда камсухан ким бўлди, асрори ниҳон бўлди,
Кимики сўзлади кўп, билки расвойи жаҳон бўлди.
(Завқий)

Биз юқорида синфдан ташқари ишлар ва адабий ўқиш учун дастур ва дарсликка киритилмаган, айни пайтда бошланғич синф ўқувчиси ёшига мос бўлган мумтоз адабиёт намуналаридан келтирдик. Ўйлаймизки, ҳурматли ҳамкасбларимиз улардан ўз ўрнида ижодий фойдаланадилар. Шунингдек, ушбу намуналардан бошланғич синф “Ўқиш китоби” дарсликларини яратишда ҳам фой-даланиш мумкун.

АДАБИЁТЛАР:

1. Umarova M., Hakimova Sh. O‘qish kitobi. 3-sinf uchun darslik.- T.: Cho‘lpon, 2008
2. Matchonov S. va boshq. 4-sinf uchun darslik.- T.: Yangiyo‘l polygraph servis, 2008

Андижон давлат университети
2010 йил 22 сентябрда қабул қилинган.
(Тақризчи: п.ф.д. Ш.Юсупова)